VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

ХИСОБОТ САНАСИДАН КЕЙИНГИ ХОДИСАЛАР АУДИТИ

Муйдинов Эркин Джамалдинович
Тошкент молия институти, и.ф.н, доцент
E-mail: emuydinov@list.ru

Аннотация:
Ушбу мақолада Тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий Хисоботларни тайёрлашда “Хисобот санасидан кейинги ходисалар” деб номланган 10-сонли Молиявий Хисоботнинг халқаро стандарти талабларини бажарилганлик даражасини “Хисобот санасидан кейинги ходисалар” деб номланган 560-сонли Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш услубиётини ёритиш мақсад қилиб олинган.

Аннотация:
В данной статье освещена методика аудита выполнения требований Международного стандарта финансовой отчетности № 10 «События после отчетной даты» субъектами предпринимательства при подготовке финансовой отчетности на основе Международного стандарта аудита № 560 «События после отчетной даты».

Abstract:
This article highlights the methodology for auditing compliance with the requirements of International Financial Reporting Standard No. 10 "Events after the reporting date" by business entities when preparing financial statements based on International Auditing Standard No. 560 "Events after the reporting date".

Калит сўзлар:
Хисобот санасидан кейинги ходисалар, фаолият узлуксизлиги, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот санаси, молиявий ҳисоботни эълон қилиш санаси, аудиторлик хулосаси санаси, аудиторлик таомиллари, аудиторлик далиллари, ёзма баёнотлар, расмий сўров, шартли мажбурият, шартли актив, шартли зарар, шартли фойда, муҳим бузиб кўрсатишлар.

Ключевые слова:
события после отчетной даты, непрерывная деятельность, международные стандарты финансовой отчетности, международные стандарты аудита, дата финансового отчета, дата публикации финансовой отчетности, дата аудиторского заключения, аудиторские процедуры, аудиторские доказательства, письменное представление, официальный запрос, условное обязательство, условный актив, условный убыток, условная прибыль, существенные искажение.

Keywords:
events after the reporting date, going concern, international financial reporting standards, international auditing standards, date of financial statement, date of publication of financial

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

statements, date of auditor's report, audit procedures, audit evidence, written submission, formal request, contingent liability, contingent asset, contingent loss , contingent profit, material misstatement.

Кириш.

Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар, шу номдаги 10 - сонли Молиявий Хисобот-нинг халқаро стандарти (МЩХС) га кўра, ҳисобот даври тугаган сана билан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги оралиқда юзага келган, ижобий ва салбий, ҳодисалардир (2). Аудит амалиёти учун бу давр “Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар” деб номланган 560-сонли Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) га кўра:

- молиявий ҳисобот санаси ва аудиторлик хулосаси санаси оралиғидаги даврда содир бўладиган ҳодисаларни;
- аудиторлик хулосаси санасидан кейин, бироқ молиявий ҳисоботни эълон қилиш санасига қадар аудиторга маълум бўлган ҳодисаларни;
- молиявий ҳисобот эълон қилинганидан кейин аудиторга маълум бўлган ҳодисаларни ўз ичига олади (3).

Бунда, 560-сонли АХС нинг 5а бандига кўра, молиявий ҳисобот санаси деганда, молиявий ҳисобот ўз ичига олган охирги даврнинг якуний санаси тушунилади. Мазкур стандартнинг 5г-бандига кўра эса молиявий ҳисоботларни эълон қилиш санаси – аудит текширувидан ўтказилган молиявий ҳисоботлар ва аудиторлик хулосаси билан барча фойданалувчилар танишиши учун имконият юзага келган санадир. Давлат сектори билан боғлиқ ҳолда молиявий ҳисоботни эълон қилиш санаси аудит қилинган молиявий ҳисобот ва мазкур ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси қонунчилик органига тақдим этилган ёки бошқача йўл билан эълон қилинган сана бўлиши мумкин.

«Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва хулоса бериш» деб номланган 700-сонли (қайта кўриб чиқилган) АХС нинг 49-бандида , аудиторлик хулосаси санаси аудитор молиявий ҳисобот бўйича билдирилган аудитор фикри учун асос бўлган етарлича тегишли аудиторлик далиллари олинган аудиторлик хулосасида акс эттирилган санадир деб қайд этилган (4).

Тадқиқод усуллари

Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар молиявий Хисоботга таьсир этиш хусусиятига кўра:

а) ижобий ёки салбий ходисалар;

б) молиявий Хисоботни тузатишни ёки унда очиб беришни талаб қилувчи ходисаларга гурухланади.

Ащамиятга молик былган Хисобот санасидан кейин юз берган ҳодисалар уларни компания бизнесига ижобий ёки салбий таьсиридан қатьий назар Хисобот йилининг молиявий Хисоботида акс эттирилиши лозим. Акс эттириш молиявий Хисоботни тузатиш ёки уларни батафсил очиб бериш ҳолида амалга оширилиши мумкин.

Молиявий Хисоботни тузатишни талаб қилувчи Хисобот тузиш санасидан кейин ани=ланган ходисаларга =уйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- компания йирик дебиторини Хисобот тузиш санасига қадар инқирозга учраганлиги

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

тўғрисидаги маълумотни келиб тушиши;

■ тадбиркорлик субъектининг ҳисобот давринг якунида жорий мажбурияти бор бўлганлигини тасдиқлаган суд ишининг ҳисобот давридан кейин ҳал бўлиши;

■ ҳисобот даври охирида актив қадрсизланганлиги ёки бу актив бўича олдин тан олинган зарар суммасига тузатиш киритилиши кераклигидан далолат берадиган маълумот ҳисобот даври тугаганидан кейин олиниши;

■ ҳисобот даври тугалланишидан олдин сотиб олинган активларнинг тан нархи ёки сотилган активлардан тушган тушумнинг ҳисобот даври тугаганидан сўнг аниқланиши;

■ тадбиркорлик субъектининг ҳисобот даври охирида бу санадан олдин юз берган ҳодисаларнинг натижасида бундай тўловларни амалга ошириш бўйича жорий юридик ёки конструктив мажбурияти мавжудлиги оқибатида ҳисобот даври тугаганидан сўнг фойдадан тақсимланиши лозим былган тўловлар ёки мукофотлар суммаларини юзага чиқиши;

■ молиявий ҳисоботларнинг нотўғри эканлигини кўрсатувчи фирибгарлик ёки хатоларнинг топилиши вхк.

Тадбиркорлик субъекти ҳисобот давридан кейинги, тузатишлар киритилишини талаб этадиган ҳодисаларни акс эттириш мақсадида ўз молиявий ҳисоботларида тан олинган суммаларга тузатишларни киритиши шарт.

Тузатишлар киритилишини талаб этмайдиган, молиявий Хисоботда очиб берилиши керак бўлган маълумотларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

● Хисобот давридан кейин амалга оширилган йирик бизнес бирлашуви ёки йирик шуъба тадбиркорлик субъектининг чиқиб кетиши;

● таьсисчилар томонидан компания фаолиятини давом эттирмаслик режасини эълон қилиниши;

● катта суммадаги активларни сотиб олиниши, узоқ муддатли активларни бир қисмини сотиш учун мўлжалланган активлар гурухига ўтказилиши, активларни бошқача йўллар билан чиқиб кетиши ёки давлат томонидан йирик активларнинг мусодара қилиниши;

● Хисобот давридан кейин компаниянинг тайёр махсулот омборида ёнғин чиқиши натижасида катта талофат кўрилиши;

● компания рахбарияти томонидан йирик реструктуризация режасини эълон қилиниши ёки уни амалга оширишни бошланиши;

● оддий акциялар билан Хисобот давридан кейин йирик молиявий муомалаларнинг амалга оширилиши;

● Хисобот давридан кейин активлар нархлари ёки валюта айрибошлаш курсларидаги ғайриоддий даражадаги катта ўзгаришларни юз бериши;

● жорий ва муддати узайтирилган солиқ активлари ва мажбуриятларига катта таъсир қиладиган, Хисобот давридан кейин солиқ ставкаси ёки амалдаги солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни эълон қилиниши ;

● кафолат хатларини тақдим қилиш орқали компания томонидан зиммасига йирик мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятларни олиниши;

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

● фақат Хисобот давридан кейинги ходисалардан келиб чиққан йирик суд жараёнининг бошланиши.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

560-сонли АХСга асосан мазкур йыналишда аудиторнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) Молиявий ҳисобот санаси ва аудиторлик хулосаси санаси оралиғидаги даврда содир бўлган, молиявий ҳисоботда тузатишлар киритилиши ёки очиб беришни талаб этадиган ҳодисалар мазкур молиявий ҳисоботда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосга мувофиқ тегишли равишда акс эттирилгани хусусида етарлича тегишли аудиторлик далилларини олиш; ва

б) Аудиторга аудиторлик хулосаси санасидан кейин маълум бўлган ва агар улар аудиторга кўрсатилган санада маълум бўлганида, аудитор ўз аудиторлик хулосасини ўзгартиришига олиб келиши мумкин бўлган фактлар бўйича тегишли ҳаракатларни бажариш.

Аудитор молиявий ҳисобот санаси ва аудиторлик хулосаси санаси оралиғидаги даврда содир бўлган, молиявий ҳисоботда тузатиш киритилишини ёки очиб беришни талаб этадиган ҳодисаларнинг барчаси аниқлангани хусусида етарлича тегишли аудиторлик далилларини олиш мақсадида ишлаб чиқилган аудиторлик тартиб-таомилларини бажариши лозим.Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

аудиторлик текшируви ытказилаётган компания рахбариятига Хисобот санасидан

кейин юқорида келтирилган мазмундаги ходисаларни рўй берганлиги тўғрисида расмий сўров йўллаш;

Хисобот санасидан кейин ытказилган таьсисчилар, директорлар кенгаши, тафтиш

комиссияси ва ижро идораси аьзолари йи\илишлари баённомаларини ўрганиб чиқиш;

Шу тўғри тартибот ва назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказилган текширув ёки мониторинг натижалари тўғрисидаги маьлумотлар билан танишиш;

компания хуқуқшуносидан компанияга нисбатан кўрсатилган ёки улар томонидан

контрагентларга нисбатан билдирилган даьволар быйича бошланган (олиб борилаётган) йирик суд жараёнлари ва мавжуд низолар тўғрисида батафсил расмий маьлумот олиш;

- йиллик молиявий Хисоботга қадар тузилган охирги оралиқ молиявий Хисоботни тахлил қилиш;
- компаниянинг суғурта ташкилотидан Хисобот тузиш санасига суғурта тўлови суммасини аниқлаштириш бўйича олиб борилган музокаралар якунига доир маьлумотларни сўраб олиш;
- йирик суммада қарз ёки кредит олиш, ёки ўзгалар олган катта миқдордаги қарзларга кафолат бериш тўғрисида тузилган хужжатларни ўрганиш вхк

Амалиётда кенг қўлланиладиган тартиб-таомилларидан бири “Аудиторлик далиллари” деб номланган 500-сонли АХС нинг А22 ва 560-сонли АХСнинг А9 бандларига кўра мижоз компания рахбариятидан “Расмий сўров” хисобланади.Унинг намунавий шакли қуйида келтирилган.

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

МЧЖ « XYZ » АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ
Хўжалик юритувчи субьект рахбарига
Хисобот санасидан кейинги ходисалар тўғрисида расмий сўров

Мижоз:	“Шарқ” Акциядорлик жамияти				
Шартнома:	11.03.2020 й № 03-2020	Бажарувчи:	Маматхонов М	Тугатилди:	14.05. 2020 й
Аудит ўтказилаётган давр	01.01.2019 й-31.12.2019 й	Текширувчи:	Марази=ов М	Текширилди:	15.05. 2020 й

Тр	Саволлар	Жавоб		Жавоб “Ҳа” бўлганда изоҳ
		Ҳа	Йўқ	
1	Ҳисобот санасидан кейин, ҳисоботда дебиторлар таркибида акс эттирилган, лекин ҳисобот тузиш санасига инқирозга учраган контрагент тўғрисида маьлумот олинган ҳолатлар мавжудми?			
2	Ҳисобот санасидан кейин, акциядорлик жамияти акциялари котировкасини кескин пасайиши ёки ўсиши юз бермадими?			
3	Ҳисобот санасидан кейин йирик бизнес бирлашуви ёки йирик шуьба тадбиркорлик субьектининг чиқиб кетиши юз бермадими?			
4	Ҳисобот санасидан кейин, йирик активларни сотилиши ёки бундай хўжалик муомаласини амалга оширилишини режалаштирилиши юз бермадими?			
5	Ҳисобот санасидан кейин Хисобот даври охирида активни қадрсизланганлигидан далолат берадиган маълумот олинмадими?			
6	Ҳисобот санасидан кейин, устав капиталини сезиларли тарзда ызгариши, янги акциялар ёки қарз мажбуриятлари бўйича қимматли қоғозларни чиқарилиши, корхонани қайта тузилиши ёки тугатилиши бўйича харакатлар амалга оширилмадими?			
7	Ҳисобот санасидан кейин давлат томонидан жамият мулкини олиб қўйилиши, ёки фавқулодда вазиятлар (ёнғин, зилзила, сув тошқини...) таъсирида уларга зиён етиш			

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

	ҳолатлари юз бергани йўқми?			
8	Хисобот давридан кейин активлар нархлари ёки валюта айрибошлаш курсларидаги ғайриоддий даражадаги катта ўзгаришлар юз бердими?			
9	Ҳисобот санасидан кейин ҳисобот даврида ва айниқса Хисобот даврининг охирида ноаньанавий бухгалтерия ўтказмалари расмийлаштирилганлиги ҳолатлари аниқландими?			
10	Кафолат хатларини тақдим қилиш орқали компания томонидан зиммасига йирик мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятларни олиниши юз бермадими?			
11	вхк Хисобот санасидан кейин эътиборга лойиқ бўлган йирик шартли актив (лар) ва (ёки) шартли мажбурият (лар) юзага келгангани йўқми?			
12	вхк ...			

Хисобот санасидан кейин содир бўлган ходисалар таркибига 2019 йилнинг охири ва 2020 йилнинг бошидан бошлаб бутун дунёда ва мамлакатимизда коронавирус COVID-19 пандемиясининг юз беришини киритиш мумкин. Бу ходиса аксарият корхона ва ташкилотлар фаолиятларининг иқтисодий ва ижтимоий йўналишларида жиддий талофатларни келтириб чиқарди. Айрим бизнес турлари (хаво ва темир йўл транспортида одам ва юк ташиш, саёхат ва туризм, мехмонхона бизнеси, кўнгилочар соха корхоналари...) давом этаётган пандемия шароитида хатто ўз фаолиятларини бутунлай тўхтатди, ёки сезиларли тарзда қисқартирди. COVID-19 пандемияси ўз навбатида аудит кўламини кенгайтириш, чуқурлатиш, текширувлар муддатини узайтириш ва масофадан туриб текширувларни ташкил қилишга сабаб бўлди. Бу холатда аудитор аудит текшируви жараёнида компания рахбарияти ва (ёки) корпоратив бошқарув учун масьул былган шахсларни мазкур ходисани компания бизнесининг узлуксизлигига, келгуси молиявий натижаларига, пул оқимларига, молиявий холатига хамда молиявий Хисоботига таьсирини бахолаш ва уларни етарли тарзда молиявий Хисоботга иловаларда очиб бериш борасида олиб борган ишлари сифатини ўрганиб чиқиши лозим. Чунки, молиявий ҳисоботлар, одатда тадбиркорлик субъекти узлуксиз ишлайди ва фаолиятини кўзланган келажакда давом қилади деган фараз асосида тайёрланади. Шундай экан, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатиш ёки фаолият кўламини муҳим даражада қисқартириш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқ деб тахмин қилинади; агар бундай ният ёки зарурият мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботлар бошқача асосда тайёрланиши лозим ва агар шундай бўлса, ушбу асос очиб берилади.

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

Бу холат, 10 - сонли МШХСнинг 14-15 бандларида назарда тутилган.Уларга кўра, агар ҳисобот даври тугаганидан кейин тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти тадбиркорлик субъектини тугатиш ёки унинг савдо фаолиятини тўхтатиш қарорига келса ёки бундай йўл тутишдан бошқа чораси йўқ эканлигини аниқласа, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини фаолият узлуксизлиги асосида тайёрламаслиги керак. Агар фаолиятнинг узлуксизлиги асосини қўллаш ўринсиз эканлиги аниқланса, бунинг таъсири шу қадар кенгки, ушбу Стандарт бухгалтерия ҳисобининг олдинги қўлланилиб келган асосига мувофиқ тан олинган суммаларга тузатиш киритишни эмас, балки бухгалтерия ҳисобининг асосини фундаментал ўзгартиришни талаб этади.

Халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ўтказишда аудитор алохида эътибор бериши лозим бўлган йўналишлардан яна бири мижоз компания томонидан молиявий Хисоботларни тайёрлашда шартли актив, шартли мажбурият, шартли зарар ва шартли фойдаларни хисобга олиш ва уларни очиб бериш талабига риоя қилганлик холатини бахолашдан иборат.

“Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” деб номланган 37-сонли МШХС нинг 10-бандига кўра,

Шартли мажбурият - бу:

а) бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган мажбурият. Унинг мавжудлиги фақатгина тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланади; ёки

б) у ҳозирги пайтдаги мажбурият бўлиб, бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келади, аммо тан олинмайди, чунки:

иқтисодий нафни ўзида мужассамлаштирадиган ресурларнинг мажбуриятни сўндириш учун чиқиб кетиши талаб этилишининг эҳтимоли йўқ; ёки

- ушбу мажбуриятнинг суммасини етарли ишончлилик билан баҳолаш мумкин бўлмайди.

Шартли актив – бу бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган активдир.

Бу йыналишдаги маьлумотларни молиявий Хисоботга киритиш ёки уни очиб бериш билан шуғулланувчи мижоз компания хисоб ходимлари ва уларни аудиторлик текширувидан ытказиш вазифаси юклатилган аудитор учун бу йўналишдаги асосий холат шартли мажбурият, шартли актив, шартли зарар ва шартли фойдаларни тан олиш меьзонларини тўғри қўллаш хисобланади.

Молиявий Хисобот Концептуал асосларининг 4.44-бандига кўра, актив, тадбиркорлик субъектига келгуси иқтисодий наф келиб тушиши эҳтимоли бўлганида ва актив тан нархи ёки қиймати ишончли баҳоланиши мумкин бўлганда, бухгалтерия хисобида тан олинади. Мазкур хужжатнинг 4.46-бандига асосан, мажбурият, ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбуриятни сўндириш натижасида иқтисодий нафни ўзида мужассамлаган ресурсларнинг чиқиб кетиши

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

эҳтимоли бор бўлганида ва сўндириладиган суммани ишончли баҳолаш мумкин бўлганида, бухгалтерия щисобида тан олинади.

Шартли зарар қуйидаги шартлар бажарилганда харажат ва мажбурият сифатида тан олиниши лозим:

- келгуси ходисалар, баланс санасида барча мумкин былган товонларни щисобга олган щолда, активнинг қадрсизланганлиги ёки янги мажбурият юзага келганлигини тасдиқласа;

- кўрилган зарар миқдорини ишончли баҳолаш мумкин бўлса.

Шартли фойда молиявий Хисоботда даромад ёки актив сифатидан тан олинмаслиги лозим. Чунки, уни аниқ хисоблаш мумкин бўлса у шартли бўлмай қолади ва шундоқ хам тан олиниши керак бўлади.

Юқорида келтирилган талабларни эътиборга олган холда шартли мажбурият, шартли актив, шартли зарар ва шартли фойдага бухгалтерия хисоби ва молиявий Хисобот нуқтаи назаридан билдирилиши мумкин бўлган муносабатлар алгоритми қуйидаги чизмада акс эттирилган.

Чизма № 1 . Шартли мажбурият, шартли актив, шартли зарар ва шартли фойдани тан олиш тартиби

Шартли воқеанинг содир бўлиш эщтимоли	Ўлчаш имкони мавжуд бўлган щолатда	Ўлчаш имкони мавжуд бўлмаган холатда
Шартли зарар		
Эҳтимоли мавжуд	Зарар ва мажбуриятлар ҳисобланади ва ҳисоботда акс эттирилади	Зарар ва мажбуриятлар ҳисобланмайди, лекин молиявий ҳисоботда очиб берилади
Эҳтимоли мавжуд эмас	Ҳисобланиши ва очиб берилиши шарт эмас	
Шартли фойда		
Эҳтимоли мавжуд	Шартли фойда сифатида тан олинмайди	Ҳисобланмайди , ҳисоботда очиб хам берилмайди
Эҳтимоли мавжуд эмас	Очиб бериш ҳам тавсия этилмайди	
Шартли мажбурият		
Эҳтимоли мавжуд	Захира ташкил қилинади	Захира ташкил қилинмайди, хисоботда очиб берилади
Эҳтимоли мавжуд эмас	Захира хам ташкил қилинмайди, очиб бериш ҳам тавсия этилмайди	
Шартли актив		
Эҳтимоли жуда юқори бўлганда	Молиявий Хисоботда очиб берилади	Ҳеч кандай ёзувга йул қўйилмайди

560-сонли АХСнинг 10-бандига кўра аудитор аудиторлик хулосаси санасидан кейин молиявий ҳисоботларга нисбатан бирон-бир аудиторлик тартиб-таомилларини бажариши

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

мумкин эмас. Чунки, харакатдаги АХСга кўра аудиторлик хулосаси имзоланган санадан кейин текширилган молиявий Хисоботга таьсир қилиши мумкин бўлган маьлумотлар тўғрисида аудиторга ахборот бериш масьулияти мижоз корхона рахбариятига юклатилади. Бироқ, агар аудиторлик хулосаси санасидан кейин, лекин молиявий ҳисоботни эълон қилиш санасига қадар аудитор аудиторлик хулосаси санасида ўзига маълум бўлганда у аудиторлик хулосаси ни ўзгартиришига туртки берган бўлиши мумкин бўлган бирон-бир фактдан хабар топган бўлса, аудитор қуйидаги ҳаракатларни бажариши лозим:

а) Мазкур масалани тадбиркорлик субъекти раҳбарияти ва, зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслар билан муҳокама қилиш;

б) Молиявий ҳисоботга бирон-бир тузатишлар киритиш зарурлиги ёки зарур эмаслигини аниқлаш, агар зарур бўлса,

в) Тадбиркорлик субъекти раҳбариятидан у мазкур масалани молиявий ҳисоботда қандай акс эттириш ниятида эканлигини аниқлаш.

Аудитор тадбиркорлик субъекти раҳбарияти ва, зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслардан АХС 5801 га мувофиқ молиявий ҳисобот санасидан кейин содир бўлган, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосга мувофиқ молиявий ҳисоботда тузатиш киритилиши ёки очиб беришни талаб этадиган ҳодисаларнинг барчаси тузатилгани ёки очиб берилгани тўғрисида ёзма баёнот беришни сўраши лозим.

Агар тадбиркорлик субъекти раҳбарияти молиявий ҳисоботга тузатишлар киритса, аудитор тузатишларга нисбатан мазкур вазиятда зарур бўлган аудиторлик тартиб-таомилларини бажариши ва тузатишлар киритилган молиявий ҳисобот бўйича янги ёки тузатилган аудиторлик хулосаси тақдим этиши лозим.Янги (тузатилган) аудиторлик хулосасида

Бунда янги аудиторлик ҳисоботи (хулосаси) тузатишлар киритилган молиявий ҳисоботни тасдиқлаш санасидан олдинги санада тақдим этилиши мумкин эмас.

Агар аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий Хисобот фойдаланувчиларга тақдим қилинган санадан кейин тузатишни тақазоқилувчи ходисалар аниқланган бўлсада компания рахбарияти илгари эълон қилинган молиявий ҳисоботни олган шахсларнинг барчасини юзага келган вазият тўғрисида хабардор қилиш учун зарур чораларни кўрмаётган ва аудитор молиявий ҳисоботни қайта кўриш зарур деб ҳисоблаган бир пайтда молиявий ҳисоботни қайта кўриб чиқмаётган бўлса, аудитор тадбиркорлик субъекти раҳбарияти ва бошқарув юклатилган шахсларни,2 мазкур аудиторлик ҳисоботи (хулосаси) га таяниш мумкин эмаслиги тўғрисида учинчи шахсларга хабар қилиш учун зарурий чораларни кўриши ҳақида хабардор қилиши лозим. Агар тадбиркорлик субъекти раҳбарияти ёки бошқарув юклатилган шахслар бундай хабарни олганларига қарамай зарурий чораларни кўрмасалар, аудиторнинг ызи мазкур аудиторлик ҳисоботи (хулосаси) га таяниш мумкин эмаслиги тўғрисида хабар бериш учун тегишли ҳаракатларни бажариши лозим. Бироқ, бу вазиатда аудитор ўз харакатларини аудиторлик ташкилотининг хуқуқшуноси билан маслахатлашган

[1] АХС 580 *“Ёзма баёнотлар”*

[2] АХС 260, *“Бошқарув юклатилган шахслар билан ахборот алмашинуви”,* 13-банд

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

холда Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасидан чиқмаган тарзда амалга ошириши лозим.

Хисобот санасидан кейин юз берган мухим ходисалар компания фаолиятига ижобий ёки салбий таьсир кўрсатганлигидан қатьий назар молиявий Хисоботда очиб берилиши лозим.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Хисобот санасидан кейин юз берган ходисалар ўзининг кўлами ва мухимлик даражасидан келиб чиқиб аудитор томонидан тақдим қилинадиган аудитор хулосасининг шаклига таьсир кўрсатиши мумкин.Уларни молиявий Хисоботга таьсир кучини аниқлаган холда текширув натижаларига кўра аудитор:

модификация қилинмаган фикр билдириши;

агар аудитор Хисобот санасидан кейин юз берган ва молиявий Хисоботнинг тўғри тузилганлигига шубха туғдирувчи бирор бир ходиса (масалан, фаолиятнинг узлуксизлиги масаласи) тўғрисида етарли аудиторлик далилига эга бўлса, бу холатни асослаган холда модификация қилинган аудитор фикрини билдириши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.“Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 3946-сонли қарори, Тошкент, 19.09.2018 й.

2. “Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар” номли 10-сонли МЩХС. http://www.mf.uz

3. “Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар” номли 560-сонли АХС. http://www.mf.uz

4. «Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва хулоса бериш» номли 700-сонли (қайта кўриб чиқилган) АХС. http://www.mf.uz

5. “Ёзма баёнотлар” номли 580-сонли АХС. http://www.mf.uz

6. “Аудиторлик далиллари” номли 500-сонли АХС. http://www.mf.uz

7. https://studref.com/324565/buhgalterskiy_uchet_i_audit/sobytiya_otchetnoy_daty

8. https://studme.org/115105136661/buhgalterskiy_uchet_i_audit/auditorskaya_proverka_spetsialnym_auditorskim_zadaniyam

9. https://econ.wikireading.ru/31727

10. https://af-audit.ru/